

ОРТГА ҚАЙТМАС ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Бошланиши 1-бетда

“Инсон қадри учун” тамойили эса ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз ифодасини топмоқда. Ўтган даврда Бош қонунимиз мустақиллигимизнинг рамзи бўлибги-на қолмай, ҳар бир фуқаро учун имконият ва ишонч манбаи сифатида намоён бўлди. Қонуналар орқали амалга оширилган ўзгаришлар адолат мезони сифатидада аниқ натижа бермоқда ҳамда халқ билан давлат ўртасидаги ришталарни мустаҳкамламоқда.



Минтақамизда асрлар давомида шаклланиб келган миллий давлатчилик анъаналари, халқимизнинг адолат, инсоф ва ҳурмат каби улуг қадриятларга таянган ҳаётий фалсафаси бутунги кунда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг маънавий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Бу тарихий ва ўзгармас тамойиллар давлат бошқарувида, жамият ҳаётида инсон ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати устувор бўлиши лозимлигини уқтиради. Мана шу тафаккур ҳамда халқимизнинг тарихий юксак ҳуқуқий онги бутунги кун ислохотлари руҳияти билан муштаракдир.

Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бош мақсади — жамиятда адолат ва тенглик тамойилларини қарор топтириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали таъминлаш, шунингдек, Бош қонунимизда белгиланган конституциявий принципларни ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Халқимиз ардоғидаги санъаткорларнинг муסיқий чиқишлари байрам тадбирига кўтаринки руҳ бағишлади.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири
ЎЗА суратлари.

9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши кураш куни

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ: ҚОНУН УСТУВОР, ЖАЗО МУҚАРРАР

Коррупция жамият ва давлатга кенг қўламли вайронкор таъсир кўрсатадиган яширин хавфдир. У демократия, қонун устуворлиги ва бозор иқтисодиётига катта зарар етказиши ҳамда инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. Коррупция оқибатида аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси сифати пасайиб, инсоният хавфсизлигига оид таҳдидлар кенг тарқалади.



Рустам АТОВУЛЛОЕВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий
маркази бош юрисконсулти

Ушбу зарарли иллат аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, заиф қатламларига кўпроқ зиён етказиши. Чунки у дастлаб мамлакатларни ривожлантиришга йўналтирилган маблағларга чанг солади, ҳуқуқматларни эса асосий хизматларни кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилади. Коррупция паст иқтисодий кўрсаткичларнинг асосий сабабларидан бири, қамбағалликни қисқартириш ва ривожланиш йўлидаги жиддий тўсиқдир.

Ҳар йили дунё бўйлаб коррупция сабабли тахминан 2,6 триллион доллар пул ўғирланади. Бу бутун дунё ЯИМнинг 5 фоизидан ортига тенг. БМТ Тараққиёт дастурига кўра, ривожланаётган мамлакатлар коррупция оқибатида расмий ривожланиш дастурлари

орқали олган ёрдамдан кўра ўн баравар кўпроқ пул йўқотади.

Коррупцияга қарши кураш ҳақида сўз борганда, шубҳасиз, дунё ҳамжамиятининг ушбу соҳадаги “бош қонуни” бўлган БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси эсга олинади. Мексикада 2003 йил 9 декабрда бўлиб ўтган конференцияда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (2003 йил 31 октябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган) имзолаш учун очик деб эълон қилинди ҳамда бутунги кунга қадар дунёнинг 192 та давлати унга қўшилган.

БМТ томонидан инсонларга коррупция шунчаки маънавий муаммо эмас, балки қашшоқлик, сиёсий беқарорлик ва жиноятчиликнинг асосий илдизи эканини эслатиш, уларда коррупцияга нисбатан муроасиз кайфиятни шакллантириш, шунингдек, давлат органлари, хусусий сектор вакиллари, нодавлат ташкилотлар ва оддий фуқароларни коррупцияга қарши бирлаштириш мақсадида 2004 йилдан бошлаб 9 декабрь бутун дунёда коррупцияга қарши кураш куни сифатида нишонланмоқда.

Коррупцияга қарши конвенция қабул қилиниши халқаро ҳамжамият коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қатъий бел боғлаганини аниқ кўрсатди. Конвенция ҳалоллик, қонун устуворлигини ҳурмат қилиш, ривожланиш жараёнида ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда дунёни ҳамма учун янада яхшилашга интилиш каби асосий қадриятларнинг муҳимлигини тасдиқлайди.

Конвенция мамлакатлар ўзараликнинг коррупцияга қарши миллий қонунчилигини таркиблантириш учун фойдаланиши мумкин бўлган стандартлар, чоралар ва кўрсатмаларнинг кенг қамровли тўпламини тақлиф этади.

Аввало, конвенция муаммога қарши курашнинг тўртта мустақкам устунини белгилаб берди, уларнинг биринчиси ва энг муҳими коррупциянинг олдини олишдир. Конвенция иштирокчи давлатлардан жамиятда коррупцияга қарши мустақкам иммунитет ҳосил қилишни талаб этади. Бу эса давлат хизматида муносиват кадрларни танлаш, уларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиши, давлат харидлари ва бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш, жоний фаолиятдан олдинги даромадларни легаллаштиришнинг олдини олиш, давлат органларининг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлиги каби чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан бирга, конвенция “жазонинг муқаррарлиги” тамойилини ҳам илгари суради. Унга кўра, нафақат оддий порахўрлик ёки ўзганинг мол-мулкни талон-тарож қилиш, балки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, ноқонуний тарзда бойлик ортириш ва жиноий даромадларни легаллаштириш каби қилмишлар ҳам қатъий жиноий таъкиб остига олиниши шарт.

Айниқса, конвенцияда кўрсатилган “ноқонуний бойлик ортириш” концепцияси мансабдор шахсининг активлари унинг расмий даромадидан кескин ошиб кетиши ҳолатини жиноят деб баҳолашга қақирувчи инқилобий ғоя ҳисобланади.

Конвенциянинг яна бир стратегик мақсади коррупционерлар учун дунё харитасида “хавфсиз бошпана” қолдирмасликдир. Илгари халқ мулкни ўғирлаб, хорижга қочиб кетганлар жазодан қутулиб қолиши мумкин эди, мазкур ҳужжат эса давлатлар ўртасида экстрадиция ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўллари очди.

Энг муҳими, конвенция билан тарихда илк бор ўғирланган активларни қайтариш механизми жорий этилди. Бу шунга асосланган, коррупция йўли билан топишган ва чет элга олиб чиқиб кетилган бойликлар мусодара қилиниб, ўз қонуний эгасига — ўша мамлакат халқига ва унинг ривожланишига қайтарилиши кафолатланади.

БМТ конвенцияси коррупцияни маҳаллий муаммодан трансмиллий хавфсизлик масаласига айлантирди ва иштирокчи давлатлардан фақат жиноятчиларни жазолашни эмас, балки коррупциядан ҳоли бўлган адолатли тизим яратишни талаб қилмоқда. Бинобарин, конвенция иштирокчиси сифатида сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам коррупцияга қарши кураш соҳасида туб ислохотлар кечмоқда.

Мамлакатимизда давлат бошқарувида бюрократияни қисқартириш, давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш орқали коррупцияга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, давлат хизматларини соддалаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Аҳоли ва тадбиркорларга “халқ хизматидаги давлат” тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Хусусан, 120 турдаги ҳужжатни талаб қилиш, 160 дан ортиқ лицензия ва рухсатнома бекор қилинди. Электрон давлат хизматлари

сони 15 карра ортиб, 721 тага етди, улардан фойдаланувчилар эса 11 миллиондан ошди. Ушбу чораларнинг барчаси юртимизда маънавий коррупция сезиларли даражада пасайишига олиб келди.


Илгари коррупцияга қарши кураш турли органлар ўртасида тарқоқ ҳолда амалга оширилган. Бинобарин, 2020 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ташкил этилиши мамлакатимизнинг коррупцияга қарши муроасиз эканини кўрсатувчи сиёсий ирода намунаси бўлди.

Қолаверса, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан давлат харидларида коррупциянинг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлат харидлари махсус ахборот порталида товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг жамоатчилик учун шаффофлиги таъминланди, давлат органлари ва ташкилотларида очикилини таъминлаш бўйича масофавий мониторинг қилиш тартиби, давлат харидларида Ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди. Буларнинг барчаси давлат харидларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олинишига хизмат қилмоқда.

2024 йилда “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Қонун билан давлат органи ёки бошқа ташкилот ҳодимининг фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар, бу билан боғлиқ муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор этишга ва манфаатлар тўқнашувини аниқлашга доир чоралар белгиланди.

Коррупция даражасини баҳолаш бўйича халқаро ташкилотларнинг рейтинг натижалари ҳам Ўзбекистонда бу борадаги ислохотларнинг самарадорлигини кўрсатишмоқда.

Муҳтасар айтганда, қақатгина мавжуд ҳуқуқий механизмларни тўлиқ ишга солиш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали коррупцияни жийовлаштириб қўйилган натижаларга эриша оламиз. Зеро, қонун устуворлиги таъминланган жамиятдагина тараққиёт ва барқарорлик кафолатланади.



5 декабрь Ўзбекистон энергетика соҳаси, умуман, мамлакатимиз тарихида зарҳал харфлар билан битилмаган кун бўлди. Чунки жорий йилнинг айнан шу санасида “Барқарор энергетика — янги Ўзбекистоннинг келажак сари ишончли қадами” мавзусидаги миллий аҳамиятга эга халқаро анжуман ўтказилди. Мазкур тадбир чоғида юртимизда янги энергетика қувватлари ва инфратузилма объектилари ишга туширилиб, навбатдагиларининг қурилишига старт берилди.



Абдушукур ҲАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси фракция раҳбари

Нуфузли анжуманнинг миллийлиги янги-ланишининг авж палласида турган Ўзбекистон энергетикаси равнақи учун ўта муҳим воқеа юз бергани билан боғлиқ. Яна бир аҳамият-ли жиҳати, Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида фойдаланишга топшири-лаётгани ҳамда бу қувватларнинг замонавий, экологик тоза ва қайта тикланувчи муқобил манбаларга асосланганидир. “Узоқни кўра билиш” деб шунга айтадилар. Бу ҳикмат мо-ҳияти йилга ном беришга ҳам, келажак авлод-га соғлом табиатни мерос қолдиришга ҳам бирдек тааллуқли.

Халқаро мақома келсак, бу қўлам Ўз-бекистон ҳамкорларининг географияси нақадар кенг эканини кўрсатиши баробарида мамла-катимизга қатъий ишонч билан қарайдиган давлатлар ва халқаро тузилмалар сафининг нечоғлиқ қамровли эканини ҳам намоён этиб турибди.

Эътибор берсак, мавзу икки воқеани қам-раб олади.

Биринчиси — янги объектлар. Фойдала-нишга топширилган энергия ишлаб чиқариш ва сақлаш қувватлари, турдош ва йўлдош инфратузилма иншоотлари жами 42 та. Ҳу-дудлар миқёсида айтганда, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида қуёш, шамол, иссиқлик ва гид-ро электр станциялари ишга туширилди. Бу улар тўлиқ қувват билан ишлаб бошлагани-дан кейин йилига 15 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради, деганидир.

Шу зайдилда келгуси йилдан Ўзбекистонда “яшил” энергиянинг улуши 23 миллиард ки-ловатт-соатга етади.

Бу ўринда узоқни кўзлаб иш тутишинг бир жиҳатида тўхталиб ўтиш керак. Эътибор тортадиган дастлабки омиш шуки, тиклана-диган муқобил манбадан фойдаланиш йўлга қўйилиши туфайли 7 миллиард куб метр та-биий газ тежалди. Пировардида атмосфера-га чиқаётган зарарли моддалар 11 миллион тоннага камаydi.

Узоқни кўра билишнинг иккинчи жиҳа-ти, ишлаб чиқарилган электр энергиясини сақлаш тизимида доир. 5 декабрь куни 1245 мегаваттли 10 та шундай иншоот фойдала-нишга топширилди. Ҳаво ҳарорати ўта юқо-ри ёки паст бўлганда совитиш ва иситиш техникаси кўп энергия сарфлайди. Бу омиш баъзан электр тармоқларидаги узилишларга сабаб бўлади. Энди янги иншоотлар энергия энг кўп истеъмол қилинадиган тигиз вақтлар-да қўшимча равишда 1,5 миллиард киловатт-соат электр қувватини етказиб беради ва шу тариқа узилишларга чек қўйилади.

Масаланинг ечимига комплекс тарзда ён-дашилганига яна бир далил бор. Янги иш-ла туширилган 11 та йирик подстанция, 420 ки-лометр масофани қамрайдиган юқори кучла-нишли тармоқлар тизимнинг барқарор ишла-шига хизмат қилади.

Эътибор беринг, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳам, уни захирада сақлаш ва етказиб

бериш тизимларини яхшилаш ҳам баробар ҳисоб-китоб қилинган. Ишлаб чиқариб, сақ-лай олмасак ёки сақлашга сақлаб, кейин уза-тиш пайти келганда узилишлар ҳақида бош қотирсак, қилинган ҳамма иш чала бўларди.

Ҳақиқатан, узоқни кўра билиш деб шунга айтадилар.

Бу ибора тез-тез такрорланаётгани бежиз эмас. Манзарарга кенроқ назар ташлаганда, икки мақсад йўлидаги яхлит ҳаракат яққол кўринади. Президентимиз таъкидлагани-дек, уларнинг биринчиси, барча тармоқ ва

ҳудудлар учун ишончли ва узлуксиз энергия таъминотини йўлга қўйиш бўлса, иккинчиси, бу ишни замонавий, экологик тоза ва қайта тикланувчи муқобил манбалар ҳисобидан амалга оширишдир.

Буни қуйидаги кўрсаткичлар ҳам рўй-рост тасдиқлайди: 2017 йилдан ҳозиргача бўл-ган даврда йиллик энергия генерацияси 60 миллиарддан 85 миллиард киловатт-соатга етказилди. 5000 мегаваттли қуёш ва шамол, 400 мегаваттли гидро электр станцияла-ри ишга туширилди. “Яшил” энергиянинг



Стратегияга биноан, бунга шай бўлиш учун 2030 йилгача қўшимча 17 минг мегаваттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватлари ишга туширилади. Бу билан “яшил” энергиянинг ҳиссаси 54 фоизга етказилади. Тасаввур қилинг, бу — зарарли моддалар тенг ярмига камаydi дегани.

Шундай қилинса, ҳисоб-китобларга кўра, йи-лига ўртача 20 миллион долларга тенг маблаг тежалар экан.

Аҳолининг тикланадиган муқобил энер-гия манбаларидан хусусийлик асосида фой-даланиш, тадбиркорларнинг кичик ва микро ГЭСлар қуришини қўллаб-қувватлаш изчил давом эттирилади. Бу орқали ҳам давлат юки камайитилади, ҳам экологик вазият яхши-ланади. Хонадон ва корхоналар эскичасига фақат давлат энергиясига қараб қолмайди, балки ўзи ишлаб чиқариб, ўзи фойдаланади, ортганини сотади. Бу жараёнда кўмир ҳам, углеводород ёқилгиси ҳам ишлатилмагани боис, атмосфера заҳарланмайди.

Ўзига хос парадокс: ишлаб чиқариш бор, лекин экологик зарар йўқ. Бунда ҳеч қандай зиддиятга ўрин қолмаган, биз илм-фан ва технологияларнинг энг илгор ютуқларидан фойдаланяптимиз, ҳолос.

Яқинда Бразилияда ўтган илгича конфе-ренциясида Ўзбекистон 2035 йилгача зарар-ли газлар эмиссиясини 50 фоизга қисқарти-риш мақсадини баралла айта олгани сабаби ҳам шунда!

Бунинг иқтисодий фойдаси ҳам катта. Шу тариқа қарбон кредити тизими бизга халқаро миқёсда уперод бирликлари савдосини амал-га ошириш имконини беради. Бу — бир жи-ҳати. Иккинчидан, жорий йилда 17 та йирик санаот корхонамиз “яшил” энергия бўйича халқаро сертификатлар тизимига кирди. Улар-да ишлаб чиқаришнинг 30 фоизи “тоза” энер-гияга асослангани боис, халқаро бозорларда махсулотларнинг харидорлиги сезиларли даражада ошмоқда. Келгуси икки йилда бун-дай корхоналар сони 100 тага етказилади.

Ниҳоят энергетика тизимини ривожланти-риш ҳозир халқаро муносабатлар кун тарти-бида биринчи ўринда турган масалага — мин-тақавий ҳамкорликка кучли ижобий таъсир кўрсатади. Қўшни давлатлар билан ягона энергетика бозорини яратиш бўйича шерик-лик алоқалари мустаҳкамланади. Бу ҳам ай-нан Президентимизнинг узоқни кўра билиш сиёсатининг яна бир яққол ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари анжумандаги нутқи-да бу борадаги дадил қадамларга тўхтади. Ўзбекистон келгуси йилдан Қирғизистон ва Қозоғистон билан бирга “Қамбарота ГЭС-1” лойиҳасини молиялаштиришга киришмоқчи бўлиб турибди. Озарбайжон ва Қозоғистон ҳамкорлигида Европага электр энергиясини экспорт қилиш бўйича “яшил йўлак” лойиҳа-си доирасида сайёҳ-ҳаракатлар бошлаб юбо-рилган. Истикболда бу йўналишдаги ишлар қўлами кенгайверади. Чунки Марказий Осиё-нинг ҳар бир давлати ўзига яраша энергетика салоҳиятига эга.

Шундай қилиб, 5 декабрни нафақат Ўз-бекистон энергетикаси, балки давлатимиз тарихига киритиш учун барча асослар етарли эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилар. Шу куни 42 та объект ишга туширилган бўлса, яна 21 тасининг қурилиши бошланди.

Зотан, Президентимиз алоҳида қайд этга-нидек, “Биз бутун ишга тушяётган барча лойиҳалар иқтисодий ўсшини таъминлаб, келажак авлодларимиз учун янги имко-ниятлар эшгинини очади. Бундай жадал ҳа-ракатларимиз ва ташаббусларимиз билан биз янгича моделдаги замонавий энергетика тизимини албатта тўлиқ барпо этамиз”.

КОНСТИТУЦИЯ — инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!

АДОЛАТЛИ, ОЧИҚ, ИНСОНПАРВАР ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Шу кунларда бутун халқимиз улуғ айём — мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 33 йиллигини янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида эришилаётган улкан ютуқлар, кўтаринки руҳ ва келажакка қатъий ишонч билан кенг нишонламоқда. Ўттиз уч йил — кўхна тарих учун бир лаҳза. Ана шу қисқа муддатда Ўзбекистон мустақил ва суверен давлат сифатида тўла шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллагани, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтгани халқимизнинг улкан ютуғидир.

Бу борада бундан икки йил аввал халқимизнинг фикр-мулоҳазалари ва тақлиф ҳамда ташаббуслари асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Конституцияимизнинг жамиятимиз ривожидagi ўрни беқиёс. Бош қонунимизда нафақат мамлакатимизнинг уч минг йиллик тарихи ва маданияти, балки замонавий дунё конституционализми асослари ҳам тўлиқ акс этди.

Янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқ ва халқро меъёрлар асосида инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари мутлақ устуворликка эга бўлди. Фуқароларнинг барча зарур ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларни ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланган.

Муҳими, Конституция Ўзбекистон демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаслигини юридик кафолатлаб, “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида фақат олдинга қараб боришни қонунан мустаҳкамлади. Буюк келажак мақсадларига мос ҳуқуқий пойдевор яратилди. Бу эса жамиятимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барча соҳаларни ривожлантириш, халқимиз фаровон турмуш кечириши учун муносиб шароит яратишга туртки бўлмоқда.

Бунини турли соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар яққол ифода этади.

Жумладан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда камбағаллик даражасини 35 фоиздан 6,6 фоизга қисқартиришга эришилди. Мамлакатимизда мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга ошди, ёшларимизнинг олий таълим билан қамрови эса 9 фоиздан 42 фоизга етди. Дунёдаги мураккаб вазиятга қарамай, иқтисодиётимиз 6 фоиздан юқори суръатда барқарор ўсётгани халқимиз ўзи танлаган йўлдан дадил бораётганини кўрсатмоқда.

Албатта, бу ютуқларнинг барчаси узқоқни кўзлаб юритилаётган оқилонга сиёсат ва маънавиятнинг меҳнат маъсулдорлиги, бу жараёнда кечган қизгин баҳс-мунозаралар ва умумхалқ овози билан қабул қилинган янги тахрирдаги Конституцияимизнинг бузғунчи ҳаётимиздаги самарасига доир маълумотлар барчамиз учун бирдек муҳим.

Янги тахрирдаги Конституциямиз қабул қилиниши жараёнида фаол иштирок этган конституциявий комиссия аъзоларидан баъзиларининг шу хусусдаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

КОНСТИТУЦИЯ БУТУН МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ КЕНГ МУҲОКАМАДАН ЎТДИ

Бобур БЕКМУРОДОВ,
“Юксалиш” ҳаракати раиси

Янги тахрирдаги Конституция қабул қилинган кун — 2023 йил 1 май мамлакат сиёсий тарихида тубдан ўзгаришлар саҳифасини очди. У фақат қонунлар тўплами эмас, балки давлат, жамият ва алоҳида фуқаролар ўртасидаги янги ижтимоий шартномадир. Конституция инсон қадри, адолат, очкилик, қонун устуворлиги каби ўзгармас қадриятларни мамлакат тараққиётининг асосига айлантирди.

Олтинчи беш фоиздан ортқ қисми янги-ланган Конституция бутун мамлакат бўйлаб кенг муҳокамадан ўтди. Референдумда аҳолининг 90 фоиздан зиёди иштирок этгани — фуқароларнинг масъулияти ва мамлакат келажига дахлдорлик туйғуси ошганини кўрсатади. Бу жараён фуқаролик жамияти ривожланишида янги босқични бошлади.

Бизнингча, янги тахрирдаги Конституциянинг энг муҳим жиҳати — Ўзбекистоннинг ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатидаги мавқеи конституциявий даражада белгилаб қўйилишидир. Бу тамойиллар энди



қайта кўриб чиқилмайдиган миллий қадрият сифатида мустаҳкамланди. Конституциянинг тўғридан тўғри амал қилиши эса ҳар бир фуқарога ўз ҳуқуқини бевосита Бош қонун орқали ҳимоя қилиш имконини беради.

Ижтимоий давлат моделига ўтиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига кафолатланган қўллаб-қувватлов, болалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ўқитувчилар ҳуқуқий мақо-

мининг мустаҳкамланиши — инсон қадрини марказга қўйиш сиёсатининг мантикий давомидир. Бу йўналишдаги ҳар бир норма мамлакатдаги келажак авлодлар учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Очкилик ва ҳисобдорликка қаратилган ўзгаришлар ҳам ўта муҳим. Давлат органларининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлиги, ОАВ эркинлигини таъминлаш, ахборот майдонига тўқсизлигини олиб ташланиши — жамият назоратини кучайтириб, демократияни амалий мазмун билан бойити.

Конституциядан иқтисодий барқарорликка хизмат қиладиган қатор нормалар ҳам алоҳида қўриб олиш зарур. Ҳудудлардаги ҳалол рақобатни таъминлаш, ҳусусий мулк дахлсизлигининг кафолатланиши, тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш. Бундай ҳуқуқий асос давлат бошқарувидаги самардорлиги ва иқтисодий ислохотлар суръатига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Конституциявий комиссия томонидан юртимизнинг барча ҳудудда ўтказилган кенг муҳокамаларда 220 мингдан ортқ тақлиф ва мулоҳаза жамланди. Бу фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки тобора ошганини яна бир бор тасдиқлайди.

“Юксалиш” ҳаракати ҳам, парламент ҳам бу жараёнда фуқаролар билан бевосита мулоқотни кучайтириш, уларнинг фикрини эшитиш ва манзилли тақлифларни шакллантиришда фаол қатнашди. Ҳудудлардаги муҳокамалардан тортиб, қонунчилик ташаббусларига бўлган жараёнларда юзлаб фуқароларнинг тақлифлари тингланди. Уларнинг аксарияти янги тахрирда Конституцияда ўз ифодасини топди.

Бутун журналистлар, фуқаролик фаоллари, оддий юртдошларимиз Конституция моддаларига таъиниб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилаётгани — қонун устуворлигига ишонч мустаҳкамланаётганидан далолат. Бош қонун амалда ишлапти, фуқаролар моддаларнинг аҳамияти, ҳаётимизга таъсирини кундан кунга яхшироқ англаяпти. Бу эса жамият ва давлат ўртасидаги мулоқот янги — сифат босқичга кўтарилаётганидан дарак беради.

Янги тахрирдаги Конституция янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий архитектураси, келажакни белгилайдиган стратегик дастуриламандир. У мамлакатимизда адолатли, очки, инсонпарвар жамиятни барпо этишга қаратилган ислохотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлайди.

Бизнинг вазифамиз — конституциявий нормаларнинг ҳаётда тўлақонли амал қилиши, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланган очки жамиятнинг шаклланишига хизмат қилишдир. “Юксалиш” ҳаракати ҳам, парламент ҳам бу борада биргаликда, масъулият билан, халқ манфаати йўлида иш-лашда давом этади.

ҲАЯЖОН ВА МАСЪУЛИЯТ ТЎЛА ЖАРАЁН

Гулнора МАЪРУФОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси



Янги тахрирдаги Конституцияни ишлаб чиқиш жараёнида кечган қизгин баҳс-мунозаралар келажикдаги аҳоли сифатидаги ўшбу тадбирларда фаол иштирок этганимдан фахрланаман. Зеро, Конституция давлатимиз барқарорлиги ва келажиги, инсон манфаатларининг ҳуқуқий асосидир.

Шу боис, янги тахрирдаги Конституцияни қабул қилиш учун бир ярим йил мобайнида пухта тайёргарлик кўрилди. Конституциявий қонун лойиҳаси оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, халқимизнинг фикри ўрганилди. Жамоатчиликдан келиб тушган тақлифлар синчиклаб ўрганилиб, ҳужжатда ўз аксини топди.

Янги тахрирдаги Конституциямизда суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш билан боғлиқ муҳим тамойиллар ҳам ўз ифодасини топти. Конституциявий қонун лойиҳаси оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, халқимизнинг фикри ўрганилди. Жамоатчиликдан келиб тушган тақлифлар синчиклаб ўрганилиб, ҳужжатда ўз аксини топди.

Конституцияда мустаҳкамланган кафолатлар судьянинг ташқи таъсирдан холи тарзда, фақат қонун талабларига риоя этиб қарор қабул қилишини таъминлайди. Ўшбу кафолатлар институционал (ташқилый), процессуал (функционал) ва шахсий (индивидуал) мустақиллик гаровидир. Шу нуқтан назардан, судлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда судьялар мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамиятининг фаол иштироки суд ҳокимияти мустақиллигини амалда таъминлашнинг асосий кафолатларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Судьялар ҳамжамияти органлари ичида Судьялар кенгаши марказий ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аввалги тахририда Судьялар олий кенгаши таркибини шакллантиришга оид нормалар белгиланмаган эди. Энди мазкур норма Конституция даражасида мустаҳкамланиб, Судьялар олий кенгаши раиси ва ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақлифига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан беш йил муддатга сайланиши белгиланди.

Шунингдек, кенгаш раиси ва ўринбосарининг ваколат муддати ҳам аниқлаштирилиб, айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортқ Судьялар олий кенгаши раиси, раис ўринбосари этиб сайланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Судьяларни танлаш ва баҳолашнинг янги талабларини жорий этишни даврининг ўзи талаб қилмоқда. Президентимизнинг 2025 йил 24 ноябрдаги “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самардорлиги ва очкилигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борада

муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур ҳужжатни суд тизимининг кейинги ривожини учун йўналишларини белгилаб берган ва аввалги ислохотларнинг мантикий давоми бўлган муҳим тарихий қадам сифатида эътироф этиш мумкин.

Фармон суд органларида танлов ва баҳолаш тартибини белгилаб бериши билан бирга суд ҳокимияти пойдеворини замонавий ҳуқуқий мезонлар асосида мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу мақсаддан келиб чиқиб, фармон суд ҳокимиятининг муҳим бўғинларини такомиллаштиришга қаратилган бир неча долзарб ўзгаришни белгилади. Энг аввало, судьялик фаолияти барқарорлигини таъминлаш ва мустақиллик кафолатларини кучайтириш мақсадида судьяларнинг ҳар ўн йиллик муддатга қайта тайинлаш амалиёти тугатилади. Энди номзодлар аввал беш йилга тайинланади. Сўнг уларга муддатсиз ваколат берилади. Бу янгилик судьяларни муддатга боғлиқ чекловлардан холи қилиб, уларнинг мустақил қарор қабул қилиш имкониятини кенгайтиради.

Шунингдек, суд тизими бошқарувида очкилик ва тўғри рақобатни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Туманлараро, туман ва шаҳар судлари раислари ҳамда ўринбосарлари судьялар орасидан аниқ мезонларга асосланган очки танлов орқали сайланади. Бу тартиб раҳбарликка тайинлашда субъективликка барҳам бериш, суд тизимида, энг аввало, малака ва ҳалолликни қарор топтиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, фармон судьяларнинг касбий фаолиятини баҳолашда мутлақо янги ёндашуви жорий қилади. “Халолик”, “касбий лаёқат” ва “судьялик одоб” қондаларига риоя этиш” каби мезонларнинг қонун даражасида белгилаб қўйилиши судья оёрусини янада оширади. Бу эса суд тизимида профессионал маданиятни мустаҳкамлаб, судьяларнинг жамият олдидаги жавобгарлигини юқори босқичга кўтарди.

Қисқаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган янги, замонавий ва жуда муҳим нормаларнинг ҳаётга қатъий ҳамда изчил таътиб этилиши, хусусан, судлар фаолиятининг такомиллашуви жамиятимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва қадр-қимматини улуғлаш борасидаги эзгу ишлар бардавом бўлишига хизмат қилмоқда.

ҲУЖЖАТДА МЕНИНГ ТАКЛИФЛАРИМ ҲАМ АКС ЭТГАН



Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Энг бахтли ва омадли депутатлардан бириман. Чунки Конституциявий комиссия таркибида 2022-2023 йилларда янги тахрирдаги Конституциямизни ишлаб чиқиш жараёнида бевосита иштирок этдим.

Ҳар гал Конституциямизга мурожаат этганимда ёки тадбирларда Конституциямиз тўғрисида

гап кетганда, ўша тарихий жараёнлар кўз ўнгимда намён бўлади. 2022 йил 20 майда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кенгаши ва Сенати кенгашининг қўшма қарори билан Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ва мамлакатимизнинг етук олимларидан иборат таркибда Конституциявий комиссия ташкил этилди.

Конституциявий комиссия иш бошлаганда қўллаб-қувватлов ўртага ташланиб, қизгин муҳокамалар бўлган. Хусусан, “Конституцияни янгидан қабул қиламизми ёки янги тахрирда қабул қиламизми?”, “Конституциядаги моддалар сонини ўзгартирамизми ёки ўзини сақлаб қоламизми?”. Бу саволлар замирида Конституция қабул қилинган санани ўзгартириш масаласи ҳам ётарди.

Шунингдек, Конституцияга киритиладиган конституциявий нормалар тоифаларини ҳам белгилаб олиш муҳим эди. Конституциявий комиссия бу масалалар хусусида қўллаб-қувватлов ўртада.

Муҳокамаларда олимлар, ёшлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институти вакиллари, хориждаги ватандошларимиз, умуман, Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз тақлиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қолаверса, хорижий мамлакатлардаги ватандошларимиз билан видеоконференцалоқа орқали

онлайн муҳокама ташкил этилди ҳамда уларнинг конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан тақлифлари олинди.

Муҳокамалар якунида олинган тақлифлар асосида Конституциямизга киритилаётган нормалар 4 тоифага бўлинди.

Биринчиси, ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдирish мақсадида киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар. **Иккинчиси**, соҳавий қонунларимиздаги айрим нормаларни Конституциявий норма даражасида мустаҳкамлаш.

Учинчиси, Конституциямизга концептуал янги нормалар киритиш. **Тўртинчиси**, Конституциямиз матнига лингвистик экспертиза хулосаси асосида тахририй тuzатишлар киритиш.

Киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг сиёсий-ҳуқуқий аҳамияти ва қўламдан келиб чиқиб, Конституцияни янги тахрирда баён этиш учун барча асослар етарли бўлди. Шунингдек, Конституция қабул қилинган кун ҳам сақлаб қолинди. Ўз навбатида, лойиҳанинг таркибий тузилиши ҳам қайта кўриб чиқилди ва Конституциямизга қўшилаётган янги моддаларга мустақил рақамлар берилди.

Конституциявий қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси асосида парламент куйи палатасига киритган эдик.

Ўшбу конституциявий қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2022 йил 24 июндаги қарорига мувофиқ, 2022 йил 25 июндан 5 июлга қадар умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Жамоатчиликдан кўп сонли тақлифлар келиб тушётганини инобатга олиб, кейинчалик Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари билан умумхалқ муҳокамаси муддати 2 марта — 2022 йил 15 июлгача ва ундан кейин 1 августга қадар узайтирилди.

2023 йил 9-10 март кунлари эса Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида мазкур конституциявий қонун лойиҳаси жуда қизгин муҳокамалардан сўнг депутатлар томонидан маъқулланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ўшбу ялпи мажлиси бўлиб ўтган кунлар ҳам ҳаётимиздаги тарихий саналардан бирига айланди. Чунки айнан шу муҳокамаларда аввалги Конституциямизнинг 105-моддасидаги “Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисини (оқсоқолини) сайлайди”, деган норма янги тахрирдаги Конституциямизнинг 127-моддасида ўз аксини топиб, ўша кунги ялпи мажлисда берган тақлифим асосида “оқсоқол” сўзи ўшбу нормадан чиқариб ташланди. Мен ўшбу тақлифимни раис — бу лавозим экани, унда нафақат эркаклар, аёллар ва ёшлар ҳам ишлаши мумкинлиги, оқсоқол эса масъулият, мақом эканини исботлаб берган эдим.

Янги тахрирдаги Конституциямиздан ўшбу сўзнинг чиқариб ташланиши ҳисобига амалдаги қонунчилигимиздан ҳам ўшбу сўз лавозимга нисбатан чиқариб ташланди.



Давлатимиз раҳбари конституциявий ислохотлар жараёнида Конституциявий комиссия аъзолари билан бир неча бор маслаҳатлашув учрашувларини ўтказган ва уларда комиссияда тортишувларга сабаб бўлган нормаларга аниқлиб киритиб берилганди.

Умуман олганда, янги тахрирдаги Конституция халқимизнинг бевосита иштирокида ёзилган бош қонун сифатида юртимизда юқори суръатда амалга оширилаётган ортга қайтмас ислохотларнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН 2030

Мухтабар ҲУСАНОВА, Конституциявий комиссия аъзоси, юридик фанлар номзоди

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, халқаро ҳамжамият олдида ўзини қандай давлат деб эълон қилгани, мамлакат тараққиётининг манбаи бўлган инсонлар, фуқаролик жамияти институтлари, тадбиркорлик субъектларига қандай ҳуқуқий кафолатлар белгилангани, уларнинг миллий давлатчилик тажрибаси ҳамда халқаро умум-этироф этилган норма ва принципларга мос экани, “инсон — жамият — давлат” омилларининг ҳуқуқий мувозанатини таъминлашда қучли парламент, масъулиятли ҳукумат, мустақил ва адолатли суд тизимининг оқилона тартибга солингани каби масалалар Конституция орқали давлат ҳақида мушоҳада юритишга асос бўлади.

Сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан қараганда, ҳар қандай ислохот конституциявий-ҳуқуқий асосга таянганга, кўзланган стратегик мақсад ва натижаларга эришилди. Зеро, янги таҳрирдаги Конституция жамият ва давлат олдида турган, Янги Ўзбекистон тараққиёти стратегиясини амалга оширишнинг ҳуқуқий пойдеворини барпо этди. Эътиборлиси, шу жамиятда яшовчи ҳар бир инсоннинг озу-мақсадлари, манфаатларини ифода этишнинг ҳам миллий қонунийлик, ҳам халқаро умум-этироф этилган нормаларга мос равишда амалга ошириш имкони вужудга келди. Давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган берилади. Ундаги нормаларни бирма-бир кўздан кечиран эканмиз, халқпарвар давлат ҳусусиятига хос барча жиҳатни, хусусан, давлат бошқарувини демократлаштириш, давлатнинг ижтимоий роли ва мажбуриятларини кенгайтириш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини муҳофиза қилиш асослари аввалги таҳрирга қараганда анча такомиллашганга гувоҳ бўламиз.

Айниқса, ҳуқуқий сиёсатимизда демократик қадриятларга, инсонпарварлик аъна-наларига мос механизмлар яққол ақс этяпти. Инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини

Янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши мамлакат тараққиёти йўлидаги ислохотлар натижаси сифатида халқимизнинг жамият ва давлат ишларида ватанпарварлик руҳида эмин-эркин иштирок эта олиш имконини янада кенгайтирди.

таъминлаш, минтақамизда яхши қўшни-чилик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда янги таҳрирдаги Конституциямиз ва унга биноан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Ҳуқуқшунос сифатида мени мамнун этаётган жиҳат шуки, Конституцияда бел-гиланган фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз ва-киллари орқали иштирок этишга оид консти-туциявий ҳуқуқи тўлақонли таъминланишига эришилаётди.

Биринчидан, бүгун натижасини кўраёт-ганимиз — ислохотлар пойдеворини барпо этган, давлатнинг халқ билан мулоқотига йўл очиб берган энг муҳим қадам Прези-дентимизнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони лойиҳаси муҳокамаси бўлган эди. Ўша пайтда айрим жойларда “Президент фармони лойиҳаси му-ҳокама қилинаркан, тақлифлар бериларкан”, дейилса, “тақлиф берсам, ўтаримкан”, “ма-бодо тақлифим ўтса, кимларнингдир кўзига ёмон кўриниб қолмасмиканман”, деган ҳа-диклар ҳам бўлгани ҳақида эшитганим.

Ҳаракатлар стратегиясининг самарали амалга оширилишида халқимизнинг муҳо-камада, ижро ва назоратда фаол иштироки муҳим омил бўлди. Кейинчалик ҳар йилги давлат дастурлари лойиҳалари, Президентия-зининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони лойиҳаси айнан му-ҳокамалар, тақлифлар халқ иродасини ифода этиш борасида тўғри қўйилган қадам сифати-да ўзини тўлиқ оқлади.

Давлат дастурларини кабинетларда назарий тушунчалар ва тусмоллар асосида эмас, реал ҳаётга мос, халқ иродасини ҳақиқатда ифода этишга қаратилган тақлифлардан келиб чиқиб ишлаб чиқиш, шунга кўра вазифаларни белги-лаш, янги Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият олдидаги нуфузини янада ошириш ва мустақ-камлаш, белгиланган ҳар бир топшириқнинг мамлакат тараққиётидаги ижтимоий, иқтисод-ий, сиёсий самарадорлигига таъсирини атроф-лича ўрганиш амалиёти йўлга қўйилди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши мамлакат тараққиёти йўлидаги ислохотлар натижаси сифатида халқимиз-нинг жамият ва давлат ишларида ватан-парварлик руҳида эмин-эркин иштирок эта олиш имконини янада кенгайтирди. Халққа бирдамлик ҳиссини берди, давлатга ва ис-лохотларга ишончини оширди. Шу боис, конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан аҳолидан 220 мингдан зиёд тақлиф келиб тушди. Уларнинг ҳар бири комиссия то-монидан эътибор билан атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилинди. Конституциявий қонун ло-йиҳаси нормаларига уйғунлаштирилди ҳам-да лойиҳа яна бир бор халқ эътиборига тақ-дим этилиб, 2023 йил 30 апрелда ўтказилган



референдумда умумхалқ овоз бериш йўли орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинди. Бош қонунимизда инсон ҳуқуқларига оид нормалар уч баравардан ортиқча оширилган сўзимиз тасдиғидир. Энг муҳими, давлат-нинг инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъ-минлашдек олий мақсадга содиқлиги яққол намоён бўлди.

Конституциявий ислохотлар янги таҳ-рирдаги Конституцияни қабул қилиш билан қийовланмай, бош қонунимиздаги норма ва принципларни ҳаётга таъбиқ этиш, унинг амалийлиги, халқчиллигини таъминлаш, мамлакатдаги барча инсонларнинг “Бу — менинг Конституциям”, дейдиган даражада мақомини ошириш йўлида босқичма-босқич чора-тадбирлар кўриломоқда. Мамлакатимиз-да конституциявий қонунийликни янада мус-таҳкамлаш йўлида изчилликка эришилмоқда.

Президентимизнинг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғриси-да”ги ҳамда 2023 йил 7 ноябрдаги “Янги таҳ-рирдаги Ўзбекистон Республикаси Конститу-цияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшим-чалар киритиш тўғрисида”ги фармонлари амалдаги қонуности ҳужжатларини янги таҳ-рирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш талабидан келиб чиққан ҳолда қабул қилин-ди. Бу инсон ҳуқуқи ва эркинликларини са-марали ҳимоя қилиш, давлат органларининг масъулиятини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Янгилашган конституциявий-ҳуқуқий ша-роитда мамлакатимиз тараққиётининг асо-сий йўналишларини такомиллаштириш ва кенг қўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқишда орттирилган тажриба ҳам-да жамоатчилик муҳокамаси натижаларига

кўра қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси муҳим аҳамиятга эга. Унда хал-қимизнинг эркин ва фаровон яшаш, қудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хо-ҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фу-қарога Ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган қучли иқтисодиётни шаклланти-риш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорлиқни кафолатли таъминлаш бо-расидаги вазифалар ўз ифодасини топди.



Иккинчидан, халқ иродасини ифода этишнинг эътироф этиладиган муҳим жиҳати парламент таркибидир. Сайлов натижалари-га кўра, бу жиҳат аҳолининг турли миллат ва элат, турли ёш ва қатлам, соҳалар вакиллари, партиялар гоялари тарафдорларининг парла-мент ва маҳаллий кенгашлар аъзолари тарки-биде овози жанрланганлигида кўринади.

Хусусан, сайланган депутатларнинг 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этди ва бу Ўзбекистон тарихида энг юқори кўрсат-кич бўлди. Депутатларнинг 2 нафари — 30 ёшча, 38,6 фоизи — 30 ёшдан 45 ёшгача, 46,6 фоизи — 45 ёшдан 60 ёшгача, 13,3 фоизи 60 ёшдан катталардир. Мамлақати-мизда яшаётган бошқа миллат вакиллари сайланган депутатларнинг 12,7 фоизини ташкил қилади. Жумладан, улардан 5 на-фари рус, 3 нафардан қозоқ ва тожик, 2 на-фари қорейс, 1 нафардан туркман ва қирғиз миллатига мансуб.

Депутатларнинг 30 фоизи — иқтисодчи, 22 фоизи — ҳуқуқшунос, 18,7 фоизи — педа-гог, 12 фоизи — муҳандис, 9,3 фоизи — тиб-биёт соҳаси вакиллари, 8 фоизи эса маданият соҳаси вакиллари, тадбиркор ва фермерлар-дан иборат. Илк бор ноғиронлиги бор 3 нафар шахс депутат этиб сайлангани ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган “Фуқаролик жамияти ҳафталиги” давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ва конструктив мулоқот механизмларини йўлга қўйиш, нодавлат нотижорат ташкилотларни янада ривожлантириш, жамият тараққиётини юксалтиришга хизмат қиладиган майдонга айланди.



БАРҚАРОР ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАКНИ БИРГАЛИКДА ЯРАТИШ САОДАТИ

сидия ва ижтимоий буюртмаларни ажратиш шаффофлигини таъминлаш мақсадида барча босқични қамраб олувчи ва инсон омилини кескин қамайтирувчи ягона электрон плат-форма ишга туширилди.

2025 йилда фуқаролик жамияти институ-ларининг муҳим ташаббус ва лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақса-дида 1 триллион 200 миллиард сўм жалб қи-линди.

Кўрсатилётган ана шундай юксак эъти-бор ва қўллаб-қувватлаш натижасида бүгун Ўзбекистонда ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда турли жамоат тузилмала-ридан иборат 24 мингта ташкилот фаолият

юритмоқда. Уларда 150 мингдан ортиқ ходим меҳнат қилмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг фуқа-ролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги тажрибаси ва қадриятлари халқаро эътироф-ларга сазовор бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон-нинг маҳалла тизимини ислоҳ қилиш бўйича ноёб тажрибаси халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда. БМТ, ШХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида “Маҳалла — ижтимоий бошқаруving самарали модели” сифатида эътироф этилиб, Марказий Осиё ва бошқа ривожланаётган давлатлар томонидан намуна сифатида ўрганилмоқда.

Миллий маърузада мамлакатимиз-да фуқаролик жамияти институтларини

ривожлантириш борасидаги ана шундай муҳим ўзгаришлар, ННТлар фаолияти тақо-миллашуви тенденциялари, улар учун яра-тилган ҳуқуқий ва институционал шаройит-лар, ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги иштироки каби муҳим масалалар таҳлил қилинган.

Ҳафталик доирасида бўлиб ўтган тад-бирлардан яна бири миллий, минтақавий ва глобал даражада халқ дипломатияси орқали барқарор ривожланишини таъминлаш маса-лаларига бағишланди. Таъкидланганидек, янги Ўзбекистонда эркин ва қучли фуқаро-лик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда фуқаролик жамияти инсти-тутларининг давлат ва жамият бошқаруви-даги иштирокини кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва институционал салоҳия-тини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қарати-лмоқда. Бу эса давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасида самарали мулоқот ҳамда ҳамкорлиқнинг илгор тизимини шакл-лантириб, ислохотларнинг янги босқичга кў-тарилишига хизмат қилмоқда.

— Давлат ҳаракатларининг 70 фоиздан ортиги айнан Барқарор ривожланиш мақса-дларига эрилиш учун сарфланмоқда, — дей-ди Барқарор ривожланиш маркази директори Элёржон Саминов. — Бу эса аҳоли манфаатла-рини давлат сиёсатида кенг инобатга олиш ва қарор қабул қилиш жараёнларининг очиқлиги-ни таъминлайди. Натижада давлат ва жамият ўртасида шаффоф, инклюзив ва ўзаро ишонч-га асосланган мулоқот муҳити вужудга келди. Бундай ижтимоий-сиёсий динамика демок-ратик бошқарув тамойилларини амалда мустақ-камлаш, фуқаролик жамиятининг барқарор ривожланиши ва мамлакатдаги кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Халқ дипломатияси ҳам бу жараёнда стра-тегик аҳамиятга эга ва ҳал қилувчи ўрин ту-тади. Зеро, бутунги глобаллашув шароитида фуқаролик жамияти институтларининг фао-лияти нафақат ички ислохотларнинг қўллаб-қувватлаш, балки давлатлар ўртасида ишонч ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга ҳам замин яратди. Шу нуқтаи назардан, фуқаролик жа-мияти институтлари ўртасидаги алоқаларни халқаро даражада кенгайтириш ташаббусла-ри халқ дипломатиясини ривожлантиради. Бу эса давлатлараро муносабатларнинг расмий каналлар билан бирга илмий ҳамкорлик ва жамоатчилик мулоқоти орқали ҳам мустақ-камлини бораётганлигини яққол кўрсатади.

Олимлар ва экспертларнинг таъкидлашича, бутунги нотинч дунёда миллий, минтақавий

ва глобал даражада халқ дипломатияси орқали барқарор ривожланишини таъминлаш масаласи нафақат долзарб, балки дунё ҳамжамияти учун ҳам стратегик аҳамиятга эга. Ўзбекистонда мазкур жараёнда алоҳида эътибор қарати-лмоқда. Миллий маданий марказлар, дўстлик жа-миятлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ақл марказлари фаолияти кенгаймоқда. Бу эса жамиятимизда ижтимоий барқарорлиқни мус-таҳкамлаш ва мамлакатимизнинг минтақавий ҳамда глобал ҳамкорлик имкониятларини ке-нгайтиришга замин яратмоқда.

БМТнинг “Барқарор ривожланиш ечимла-ри тармоғи” халқаро ташкилот томонидан 2025 йилда эълон қилинган ҳисоботга кўра, Ўзбекистон 167 давлат орасида 73,1 балл бил-лан 62-ўринни эгаллади. Ушбу натижа мам-лакатимизда миллий ва халқаро мажбурият-ларни изчил амалга ошириш жараёнини акс эттиради. Шу билан бирга, мамлакатимиз Марказий Осиё ва Шарқий Европа минтақа-ларида Барқарор ривожланиш мақсадларига эрилиш йўлида фаол суъратларда тараққиёт-га эришган давлат сифатида эътироф этилди. Бу натижа халқ дипломатияси ва фуқаролик жамияти институтларининг глобал мақса-дларга қўшган ҳиссаси билан узвий боғлиқ.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эри-шишда ҳар бир мулоқот, ҳар бир ташаббус ва ҳар бир ҳамкорлик тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик сари қўйилган муҳим қадамдир. Бундай сазй-ҳаракатлар биргаликда барқа-рор ва фаровон келажақни барпо этишга за-мин яратди. Шу маънода, мазкур ҳафталик доирасидаги тадбирлар ҳам тинчлик ва та-раққиёт йўлида ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкор-лиқни кучайтириш, барқарор ривожланишга хизмат қилувчи янги ташаббусларни илгари суришда муҳим қадам бўлди.

Баҳор ҲАЗРАТКУЛОВА,
журналист



КОСМОСГА ПАРВОЗ ҚИЛАДИГАН АВЛОДМИЗ

Колорадо Боулдер университети (АҚШ)нинг 4-курс талабасиман. Бу университет аэрокосмик муҳандислик йўналиши бўйича дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларидан. Ахборот технологияларини чуқур ўрганиб, йирик муҳандислик лабораториясида малака ошириш баробарида ҳар куни космосга парвозимни ҳақиқатга айлантиришга ёрдам берадиган масалаларни ечяман.



Диёра ДАМИНОВА,
“Эл-юрт умиди” жамғармаси
стипендиати

“Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати бўлиш учун юртимизнинг турли ҳудудидан келган иштирокчилар билан тенг шартда очик, адолатли танловдан ўтдим. Айнан шу — энг қимматли оми. Чунки муваффақиятим тасодиф эмас. Бу ниятим Конституциямизда мустақамланган тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятлар туфайли рўйбега чиқди. Илмдаги йўлим бир неча йил олдин Uli-Sat дастуридан бошланди. Ушанда стратосферага учирладиган наносунъий йўлдошни лойиҳалаш учун лабораторияда тўпланган қизлар орасида мен ҳам бор эдим. Қизлар муҳандислигини йиғитлар каби ишонч билан ўрганиши мумкинлигини ўшанда тушундим. Оруларимизга етиш имконияти Конституциямизда мустақамланган ва давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Бош қонунимиз аёлларнинг эркаклар билан тенг таълим олиш, меҳнат қилиш, касбий

фаолият билан шугулланиш ҳуқуқларини кафолатлайди. Хусусан, 50-моддасида ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгаллиги, давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаши белгилаб қўйилган. Лекин бундан ҳам муҳими, бу нормалар бутун реал ҳаётда, амалиётда мавжуд.

“Эл-юрт умиди” жамғармасидаги иштирокчимиз бунинг яққол исботидир. Очик танлов тизими, тенг мезонлар, шаффофлик, ҳаммаболлик — буларнинг барчаси давлат алоқалардан кўра билим муҳимроқ бўлган механизмни яратганини кўрсатади.

Мамлакатимиз бўйлаб минглаб ёшлар қатори мен ҳам бу танловдан ўтдим. Ҳозир эса дунёнинг энг нуфузли университетларидан бирида тахсил оляман. Чунки тизим ижтимоий аҳоли ва жинсидан қатъи назар, ҳар кимга бунинг учун имкон беради.

Мақсадим — мустақил Ўзбекистоннинг биринчи аёл космонавти бўлиш. Бу дадил ва улкан мақсад. Бунга эришишимга чин дилдан ишонаман. Мени термодинамика, биоэро-навтика, космоснинг инсонга таъсирини ўрганиш қизиқтиради. Аллақачон Ер атмосферасидан ташқарига чиқиши мумкин бўлган лойиҳаларда қатнашяман.

Бир кун келиб, фуқаролари коинотни забт этган давлатлар рўйхатида Ўзбекистон номи ҳам туришини, давлатимиз байроғи ўрнатилган кема Ер шарни устидан ўтганида унинг бортида бўлишни хоҳлайман. Ўзим учун эмас, юлдузларга йўл ўзлари учун ҳам очик эканига ишонадиган барча қизлар учун.

Конституциямизда белгиланган нормалар туфайли давлат иқтидорли ёшларни, жумладан, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш механизмларини яратмоқда. Шу туфайли бугун ҳар бир қиз мен каби дадил оруз қилиши мумкин.

БУЮК МАҚСАДИМИЗ РАМЗИ

Баҳодиржон
ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат
университети ректори

Мустақиллик — халқимизнинг асрий орузи, аждодлар сабру матонатидан тузилган бебаҳо неъмат. Янги Ўзбекистон эса ана шу мустақилликнинг янги мазмуни, янгича тафаккур ва ишончли таракқиёт тимсолига айланди. Бугун мамлакатимизда инсон қадри улуғланиб, адолат ва очиклик тамойилларига таянган жамият барпо этилмоқда.

Конституциямизнинг янги тахрири эса бу ўзгаришларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустақамлаб, давлат ва жамият ҳаётида янги саҳифа очди.



Ёруғ кунларга интилиб яшаган авлод учун мустақиллик ҳам ғурур, ҳам масъулият. Эғу меҳнат, ҳар бир оруз, ҳар қандай фидойилик бу неъматнинг асосига қўйилган пойдевордир.

Кейинги йилларда “Янги Ўзбекистон” тушунчаси халқимиз қалбидан мустақам ўрин олди. Чунки у орқали ўтмиш хатоларидан сабоқ чиқарган, мажбурий меҳнатдан холи

бўлган, инсон қадрини улуғлайдиган, адолатли ва очик жамият қураётган давлат намоён бўлмоқда.

Янги Ўзбекистон дунёга очик, қўшнис билан тинчликни устун деб билган, иқтисодий дипломатия билан янги бозорлар очаётган, имкониятга тўла замин. Шунингдек, у ўзгалар ёрдами билан бир томонлама эмас, ўзаро манфаат асосида қўллаётган юксак маданият ва ҳақиқий дўстлик ҳиссига эга давлатга айланди.

Юртимизга, давлатимиз раҳбарига билдирилаётган юксак ҳурмат ва эътироф дунёда ўрнимиз мустақамланиб бораётганининг ёрқин исботидир. Бугун Ўзбекистон нафақат сиёсий ва иқтисодий майдонда, балки инсон қадрини юксалтиришда ҳам ўрнатилган давлат сифатида танилмоқда. Давлат билан давлат, халқ билан халқ ўртасидаги юракдан чиққан самимий муносабатлар айнан шундан далолат беради.

Халқимизнинг ишончи ва муҳаббати — энг олий мукофот. Ана шу ишонч бошланган ҳар бир ишга куч, ҳар бир қадамга руҳ, ҳар бир саъй-ҳаракатга барака бағишламоқда.

“**Янги Ўзбекистон Конституцияси — оддий ҳужжат эмас. Бу халқнинг тарихий хотираси, бугунги ишончи ва эртанги кунига қатъий қадами, миллатнинг ўз келажакни ўзи яратиш йўлидаги буюк мақсади рамзидир.**”

ҲУҚУҚШУНОСЛАРНИНГ ТАЯНЧИ

Халқимизнинг иродаси ва жипслиги асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямиз кўлаб инсонлар қатори менинг ҳаётимда ҳам бир қанча ўзгаришларга сабаб бўлди. Боиси, ўзим ҳуқуқшунос-ўқитувчиман. Бош қонун эса ҳуқуқшуносларнинг асосий тиргаги ҳисобланади. Янги тахрирдаги Конституциямиз мазмунан бой, кўлами жиҳатдан кенг қамровдор экани билан эътиборга молик.

Болалигимда олган жароҳат туфайли кўзларимга зарар етганди. Аммо бу таълим олишим, жамият ҳаётида фаол иштирок этишимни чеклай олмади. Конституциямиз мен ва мен каби ногиронлиги бор инсонларнинг ҳақ-ҳуққини янада мустақамлади. Унда “Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратди, уларнинг ишга жойлаштиришга, таълим олишига қўмаклашди, уларга зарур бўлган ахборотни тўқсинликсиз



Асадбек ЗОИРОВ,
Тошкент давлат юридик
университети таянч докторанти

олиш имкониятини таъминлайди”, дея қайд этилгани алоҳида эҳтиёжга эга шахслар ҳуқуқларини кафолатлашга жиддий эътибор қаратилганидан далолат беради.

2023 йилда Тошкент давлат юридик университети магистратура босқичига қабул

қилиндим. Янгилашган Конституциямизнинг биринчи моддасига киритилган янги норма — ижтимоий давлат ва 50-моддасига янги норма сифатида киритилган инклюзив таълимнинг уйғунлиги мавзусини тадқиқ қилишга киришдим. Диссертацияда ижтимоий давлат шаклланиши шартларида инклюзив таълим тизимини такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий асосларини очиб беришга ҳаракат қилдим. Шунингдек, 2025 йилдан эътиборан Тошкент давлат юридик университетининг таянч докторанти сифатида илмий тадқиқот ишларини давом эттирялман. Юридик фанлар бўйича фалсафа докторлиги учун олиб бораётган изланишларим мавзуси ҳам янги тахрирдаги Конституциямиз билан боғлиқ — юқорида айтиб ўтилган мавзунинг янада аниқлаштирилган кўриниши, яъни инклюзив таълим тизимини такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий масалалари таҳлил қилинмоқда. Магистрлик диссертацияси доирасида ҳамда таянч докторантилик даражасида қўйилган мақола, тезисларим кўпчиликлда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳуқуқшунос ва ўқитувчи сифатида фаолият юритар эканман, янги тахрирда қабул қилинган Конституциянинг ҳар бир моддаси, ҳар бир нормаси фаолиятимизнинг асосий мазмунини ташкил қилишини англаб етдим.

Жадид боболаримизнинг инсон қадри, илм-фан ва таълим-тарбияга оид қарашлари ўз даврида жамиятнинг маънавий савиясини белгилаб берган эди. Ҳозир ҳам бу фикрларнинг қиймати юксак даражада. Жумладан, буюк педагог Абдулла Авлоний “Таълим ва тарбия узвий боғлиқ жараёнлардур, дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир”, дейди.

Ўзбекистон Конституциясининг 50-моддасида “Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга.

Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди.

Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратди.

Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир.

Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир. Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади”, дея қайд этилган.

Конституциямизнинг тахрирдан олдинги вариантда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги ва мактаб ишлари давлат назоратида экани кўрсатилганди. Қарагинки, бугунги шартда таълим тизимининг қуйи босқичи, Президентимиз таъбири билан айтганда, Учинчи Ренессанс пойдеворининг биринчи устун бўлган мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор ўз натижасини бермоқда.

Биргина мисол, мактабгача таълим қамрови 27,7 фоиздан қариб 80 фоизга етди. Бу қамров 2030 йилда 100 фоизга етказилишини давлат ўз зиммасига олмоқда. Олий таълим ташкилотлари сонининг 70 тадан 216 тага етгани ҳам тизимдаги ислохотларнинг изчиллигини англайди.

Учинчи Ренессанс пойдеворини куришда Шарқ алломаларининг таълим тизими ва уни ривожлантириш борасидаги ғоялари ҳамда фикрларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Муҳаммад Хоразмий “Билимларни эгаллашда кўргазмали воситалардан фойдаланиш, таълимда мантқий тафаккур, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш, савол-жавоб, баҳс-мунозара каби усуллардан фойдаланган ҳолдагина талабаларда илмий билимлар ва теран тафаккурни шакллантириш мумкин”, дейди.



ШАРҚ — АХЛОҚ МАКТАБИ



Хуршид ҚУРБОНОВ,
тарих фанлари номзоди

Абу Наср Форобий эса таълим технологиясини таҳлил қилиб: “Таълим фақат сўз ва ўргатиш билан бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-хунарни ўрганишдир”, дейди. Ўз навбатида, таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилиши, тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўзлаштирилиши, касб-хунарга оид малака ҳосил қилинишини асослаб беради.

Абу Райҳон Беруний ҳам Муҳаммад Хоразмий ғояларини тўлдириб, ўқитишда усул ва воситалардан фойдаланиш мумкинлигини уқтиради. Жумладан, “Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўямаслиқдир. Ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб, унинг турли томонларини ҳис қилиши учун кўриши ва томоша қилиши лозимдир”, дейди.

Албатта, таълим-тарбия беришда ўқитувчи-педагогларнинг ўрни ҳамда маҳорати кўп нарсани ҳал қилади. Шу боис, янги тахрирдаги Конституциямизнинг 52-моддасида ўқитувчининг меҳнати давлат ва жамиятни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитиш асоси экани эътироф этилди. Шунингдек, давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида гамхўрлик қилишини қонун билан қатъий белгилаб қўйди.

Абу Али ибн Сино тарбиячиларга таъриф бериб, бундай дейди: “Боқоланг савод ўрганишда, аввало, ахлоққа ва ақлий тарбия усулларини яхши эгаллаган иродали, доно, гамхўр ва динга ишонган ўқитувчи ва тарбиячи танлаш керак. У соғлом, тозаликни севувчи, софдил ва одамларга яхши муносабатда бўла оладиган тарбиячи бўлиши лозим”.

Бугун мамлакатимиз сиёсати, иқтисодиёти, ижтимоий ва маънавий қудратини намоён қилиб, дунё майдонида ўз ўрнига эга бўлди. Бу ўринда Ўзбекистон Конституцияси асосий пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Янги тахрирдаги Конституцияни ўқиш ва ўрганишда унинг муқаддимасига алоҳида тўхталиш лозим. Чунки аввалги “Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб...” деган жумла ўрнини “Давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек, жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб...” ушбу Конституцияни қабул қилганимиз ва эълон қилганимиз”, деган жумлалар эгаллади.

Бу бекиз эмас, албатта. Зеро, унинг тарихий илмийлиги, ҳуқуқий асослари, маънавий жиҳатлари аллақачон яратиб бўлинган эди.



Маҳкамжон МАҲКАМОВ,
Республика шошилинч тиббий ёрдам
илмий марказининг қон томир
нейрохирургияси бўлими мудири,
II даражали “Саломатлик”
ордени соҳиб

II даражали “Саломатлик” орденига муносиб кўрилди. Албатта, бунинг замирида таълим олишим, меҳнат қилишим учун конституциявий асос бор. Шифокор сифатида халқимизга хизмат қилишим учун яратилган имкониятдан беҳад хурсандман.



КАШТАЛАРДА ҲАЁТ ЖИЛОЛАРИ

Ёшлар кўзидаги шижоатдан қалблар қувонади

Ақлмни таниганимдан ҳамшаҳарларим — маргилонлик аёлларнинг ҳаммаси уйда албатта дўппими, тўнми, қийқим, камзулми тикиши (ишлайдиганлар ҳам истисносиз) оддий ҳолат эканини кўриб, шунга кўникиб улгайдим. Ўн ёшга кирганимизда оналаримиз бизга тиззакўрпача бериб, тикишни ўргатган.

Ўзим туғилиб ўсган Галахумдон маҳалласидаги хонадонларнинг бири бошдан кўз олдимдан ўтказяпман: кўчамизнинг у бошидан бу бошигача... оилалар моддий аҳоли ҳозиргидан анча оғир бўлишига қарамай, бирорта уйда турмуши бузилиб келган аёл ёки ажрашган эркак борлигини эслолмайман...

Ўқоридаги иккита гапнинг бири богдан, бири тоғдан келгандек туюлганди сизга? Ўқишда давом этсангиз, яна ажабланисан, чунки кўйидаги гаплар республикамиз олий таълим даргоҳларидан бири билан боғлиқ. Лекин вақтингизни аямай, мақолани ўқиб қанчангиз, бу фикрларнинг ҳаммаси ўзаро узвийлигини, бири-бирни тўлдиршини тушунасиз деб ўйлайман.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси ҳамкорлигида тақкил этилаётган “Маърифат улашиб” дастурининг навбатдаги учрашувлари Қашқадарё вилоятидаги нодавлат олий таълим даргоҳларида ўтказдик. Адабий мулоқотлар, мунозаралар, суҳбатлар жараёнида яна бир нарсасга иқдор бўлдим: гарчи бу тадбирлардан асосий мақсад институт ва университетларда таҳсил олаётган ёшларни адабиёт олами, таниқли қаламкашлар ва уларнинг ижоди билан ақиндан таништириш, китобхонликни кенг тарғиб этиш, талабалар маънавиятини бойитиш эса-да, ижодкорларга-да манфаатли бўлган муҳим жиҳатди борлигини англадим: ёшларимиз онги, дунёқарashi, танлаган соҳаси ва жамиятга муносабати, изланувчанлиги шунчалар тез юксалиб, кенг микёсли бўлиб бормоқдаки, уларнинг ҳаёти, фаолияти билан изчил танишиб бормаган ижодкор давримизнинг жўшқини, янгилчиларга чанқоқ, шижоатли нафасини ҳис этиши қийин.

Биз ёруғ ва кенг хоналарда, талабалар ётоқхоналарида, оқшомги гулханлар атрофида ўтказган қизиқарли учрашувларда талабаларга яратилган шароит ва имкониятларни қу-

затарканмиз, Президентимизнинг олий ўқув даргоҳлари давлат ёки нодавлат эканидан қатъи назар, уларда ёшларнинг пухта билим олиши, шахс бўлиб камол топиши учун бирдек имкониятлар бўлиши зарурлиги, шунингдек, мавқеи ҳам тенг экани ҳақидаги фикрлари амалга ошаётганини ҳис этдик.

“Ақл ёшда эмас, бошда” деганларидек, ташкил этилганига ҳали ҳеч қанча бўлмаган айрим нодавлат олийгоҳлар фаолиятида ҳам ўрганишга, ибрат сифатида кўрсатишга арзийдиган, ёшларни келажақ ҳаётда қўлаб-қувватлайдиган янгилликлардан илҳомландик. Қарши шаҳридаги технология ва менежмент соҳасига ихтисослашган хусусий университетлардан бирида ташкил этилган ироқи кашта тикиш тўғрисида фаолияти ва унинг дастлабки самаралари ҳам фикримизга далилдир.

Ҳозирги даврда ёшларнинг пухта, чуқур билим олиши билан бирга илдиэлари минг йилликлар тажрибасидан сув ичадиган қадриятларимизга, дунё саҳнасидан чин ўзбекона қиёфамиз, маҳорату санъатимизни намойиш этадиган хунармандлик турларига меҳр-муҳаббатни, қизиқишни тарбиялаш, уларни эгаллашга рағбатини ошириш долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Зеро, ватан тараққиёти учун илму фан, замонавий технологиялар ривож қанчалар зарур ва шарт бўлса, ҳаётимиз фаровонлиги, оилалардан бошланиб, шаҳару қишлоқларимиз ободлиги, маданият ва маънавиятимиз юксалиши учун заргарона меҳнату хунармандлигининг самаралари, аҳамияти бундан кам эмас.

Талабалар бўш вақтини мазмунли ўтказиш, миллий қадриятларни асраб-авайлаб авлодларга етказиши учун уларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш мақсадида шу йилнинг бошида университетда ироқи кашта тўғрисида очилган экан.

Кечки пайт борганимизда, тўғарак учун ажратилган хоналар олдига қўйилган чиройли сўрида, ичкарида чевар қизлар худди эртаклардагидек қатор ўтириб кашта тикарди. Ўзимнинг ўсмирлигим, ўша пайтдаги дугоналаримга атаб ёзган сатрларим ёдга тушиб кетди, ўқиб бердим:

Елка оша жамалак соч
Ипагига илашиб,
Чимирилган камалак қош,
Кашта бирам ярашиб,
Қатим тортар қизгина...
Шод этгани кўнелларни
Қашта гули, рангидан,
Дўпписидан кенг оламни
Яшатириб янгидан
Қатим тортар қизгина.
Қизлар билан суҳбат қизгин бошланди.
Уларнинг ўз ишига қизиқиши ва бу билан жамиятга, ўзига ҳар жиҳатдан манфаат



Мухтарама УЛУГОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

келишига ишончи сўзлари, кўзларидан яққол кўриниб турибди.

Талаба Лазиза Эргашева бир кулиб қаради-да, тикишда давом этиб сўзлади:

— Шу йилнинг бошларида каштачилик тўғрисида очилганини эшитганда, “ҳа, бир тўғарак-да” деб ўйлагандим. Шунчаки қизиқиш билан дугонам иккаламиз бордик. Устоз Дилфуза Раҳмонованинг жонқуярлик, меҳр билан тушунтиришларини тинглаб, иш намуналарини кўриб, бу санъатга меҳрим тушди. Кашта

тикишни, андоза асосида ишлашни ўрганиб, биринчи марта мустақил равишда аёллар оёқ кийимига гуллар тикдим. Кейин йирикроқ буюртмалар туша бошлади. Икки жуфт оёқ кийими, иккита сумкага кашта тикиб, 4 миллион сўм иш ҳақи олдим. Ҳамма дарсларда қатнашиб, вазифаларни бажариб, яхши баҳо-ларга ўқиш билан бирга бўш вақтида тиккан ишимдан шунча даромад топсам ёмонми?! Тикишни шунчалар яхши кўриб қолдимки, ҳатто уйда ҳам вақтим бўлди дегунча бекор ўтирмай, давом эттирдим, кишлоқдошларим ҳам қизиқиб қолди. Шунинг учун ўзим туғилиб ўсган Қарши туманининг Ҳиллол қишлоғида каштачилик йўналишини ривожлантириш ниятиданман. Бу ёшлар учун шунчаки меҳнат қилиш имконияти эмас, балки кам таъминланган оилалар ва ногиронлиги бўлганлар учун қулай, самарали даромад манбаи. Ҳозирча асосий эътиборни ўқишга берганим учун бу режаларни амалга оширишга тайёргарлик кўрияман. Келажақда Шаҳрисабз каштачилигини замонавий бренд даражасига кўтариш, уни мода йўналишида халқаро миқёсда тарғиб қилиш мақсадим бор.

— Каштачилик қадимдан ўзбек аёлларининг нафосат, дид ва сабрини намоён этиш санъати бўлиб келган, — гурунгни давом эттирди Робия Муртазоева. — Момоларимиз тикилган ҳар қатим ип, нақшга маъно сингирган. Мен шуну ҳис қилдимки, кашта тикиш жараёнида инсоннинг тафаккури тиниқлашар, қалби чиройли ҳаёллару эзгу ниятларга тўлиб, маънавий дунёси гўзаллашар экан. Шаҳрисабз ироқи каштаси ўзига хос нақшлари, нозиклиги, ранг уйғунликлари билан ажралаб туради. Бу нақшлар



инсоннинг ички дунёси ҳаёт ва табиат билан ҳамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Биз каштачиликни ўрганиш асносида сабр-тоқат, меҳнатсеварлик, эстетик дид ва миллий қадриятларни қалбимизга, ҳаётимизга сингдираётганимиздан жуда хурсандимиз. Кашта фикрлашга, ижодкорликка ҳам ўргатади.

— Мен яна бир гапни айтмайми? — кўзларини чақнаб гурунгни қизитди талаба Феруза Абдухалилова. — Ҳозир жуда кўпчилик ота-оналар, устозлар, ёши улуг одамлар, мутахассислар болалардан тортиб, ўсмирлар, йигит-қизларгача телефонга, интернетга муккасидан кетиб, керакисиз ва ҳатто тўғри йўлдан адаштириши мумкин бўлган маълумотлар, постлар, ўйинларга боғлиб қолаётгани, вақтини, соғлигини, руҳий хотиржалмларини йўқотаётганини ташвиш билан гапирди. Мен кашта тўғрисида тикишни ўрганиб олганимдан буюн бошқа ишларимни иложи борида вақтида, тезда бажаришга ҳаракат қиламан, чунки кўпроқ тикишни хоҳлайман. Аниқ мақсадим бўлса, телефонга қарашга, умуман, хоҳиш-эҳтиёжим йўқ. Бундан ўзим ҳам, айниқса, оила аъзоларим жуда хурсанд.

— Ҳаммаси яхши, — дедим мен. — Аммо сизларнинг талаба сифатидаги биринчи даражали вазифаларингиз билимларини пухта эгаллаш, танлаган мутахассислигинингизнинг етук вақили бўлиши. Каштачиликка, у орқали пул топишга қизиқиб кетиб... — гапим охирига етмасдан қизлар нима демоқчи эканимни англаб, “Йў-ўқ, йў-ўқ”, деб кулиб юбурдим.

— Дугонам Лазиза айтганидек, яқин келажақда Шаҳрисабз каштачилигини замонавий бренд даражасига кўтариш ниятимиз бор, — фикримизга изох бермоқчи бўлди Баҳора Незматова. — Бундан ташқари, каштачиликка оид махсус дастур тузиб, насиб этса, бу гўзал хунар ҳақидаги барча маълумотларни жамлаб, жаҳон бозорига онлайн ҳамкорлиқни йўлга қўямиз. Бунинг учун ҳар томонлама кенг, чуқур билим керак. Бу билим, кўникмаларни ўзлаштириш учун АТ йўналиш бўйича очилган тўғаракка қатнашамиз.

Суҳбатдошларини диққат билан эшитатган Маржона Хайруллаева охишта гап бошлади:

— Каштачиликни ўрганиганимдан жуда хурсандим. Ўқишимга, соғлиғимга, моддий эҳтиёжларимни қоплашга катта имконият бўлди. Ҳам ўқиш, ҳам меҳнат билан пул ишлаб топишга ўрганиш келажақ ҳаётга пойдевор қўйиш эмасми? Ҳозир кўпчилигимиз нафақат ўзимизни таъминлашимиз, балки ота-оналаримизга ҳам моддий кўмак бераймиз. Ўйлайманки, бу хунар бизни бир умр қўлаб-қувватлайди. Тиккан кашталаримиз хорижа экспорт қилинганга, демак, меҳнатимиз халқаро миқёсда қадрланганга.

Ҳа, “Кичкина деманг бизни...” деганларидек, бу қизлар тиккан кашталар билан безатишган қаллоқ, нимча, камзул, кўйлак, шилпак, этик, туфли, ёстиқчилд, чопон, ҳамён, сумка каби санъат даражасига кўтарилган

ийгирмадан ортиқ турдаги маҳсулотлар, асосан, хорижий давлатларга сотилмоқда. Уларнинг матоси, ипагини олиш учун туркиялик, беларуслик ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилинади. Анор пўчоғи, пиёз, ўсма, ёнғоқ меvasи пўстидан олинган рангларга бўялган ва зайтун ёғи қўшиб ювилган жилжор ипақларнинг ранги ўнгмайди-урмайди, чоки терилган мунчоқдай чиқади.

Ушбу маълумот ироқи кашта тўғрисида фаолиятига қизиқишимизни янада оширди: ҳозир 500 дан ортиқ аъзоси бор, уларнинг деярли ярми 3-5 миллион сўм атрофида ойлик маош олади. Бошқаларга ҳам меҳнатига яраша ишбай ҳақ тўланади...

Каштачилик тарихининг асрларга бориб тақалиши, момоларимиз, оналар ўсмирлик ёшига етган қизларига, албатта, ипақ-сабоқ бериб, тикишга жалб қилганининг боиси қизларни шунчаки бир машғулотга банд этиш ёки пул топишга ўргатиш бўлмаган. Илдиэлари теран бу анъананинг хосиятлари ижтимоий эҳтиёж талаблар билан боғлиқ бўлган деб айтишимиз мумкин. Кашта тикиш қизларнинг сабр-тоқатини, эстетик дидини, ижодкорлигини ва меҳнат кўникмаларини тарбиялабгина қолмайди. Эсимда, ўсмирлик йилларимда (ўтган асрнинг 70-йиллари) отамнинг атлас тўқиш фирмасида ишлаб топган 60 сўм маоши олти фарзандини оиламиз аъзоларининг фақат еб-ичишига етарди. Онам эрта тонгда ҳовли юмушларини бажариб қўйиб, кун бўйи тиккан дўппиларининг пулига бизга кийим-кечак олиб беради. Ўшанда чеварлар ўзлари тикиб тайёрлаган нарсаларини бозорда очик сотолмаслиги, уларни ҳар доим солиқ назоратчилари қувлаб юриб, қўлидаги маҳсулотларини тортиб олиши, хаттаю судга солишларига қарамай, аёллар бу машғулоти бир кун ҳам ташламагани, бозорнинг чекка-чеккаларида юраги безиллаб юриб, маҳсулотларини сотиб келиши ўша пайтда хонадонлар учун бу меҳнатдан келадиган даромаднинг нечоғлиқ аҳамиятли, зарурлигини ҳис этишга имкон беради. Ҳа, катта авлод оналаримиз қийинчилик, қаҳатчилик, йўқчилик давларида рўзғордаги эҳтиёжларидан қўлаб, маънавий иқлимни мўътадил этган. Бу анъана емирилган тузум даврида ҳам воқийда, воҳада ҳаёт тарзига айланганди. “Бекорчиликдан бемаънигарчилик” деган ибора бор. Доим ҳалол меҳнат билан даромад топишга ўрганган аёл ортиқча гап-сўзлардан вақтини қизганда, ишлаб чарчаганда тиниқиб дам олишга ҳаракат қилади.

Яна бир жиҳат: аёл ҳаётининг ҳомиладорлик, чақалоқни дунёга келтириб, уни суяги қотқунча меҳру муҳаббат билан парваришлаш, оиладаги қаровга муҳтож бўлган кексаларга қараш каби ўзига хос фасллари бор. Ана шундай даврларда қўлида тикиш, тўқиш каби хунари бор бекалар бўш вақтларида севган ишлари билан шуғулланиши айнаи кўнгилли машғулот-да! Хунармандлик ногиронлиги бўлган хотин-қизлар (эркаклар ҳам) оилада ва жамиятда ёлғизлидан, кўнгил ўқсиб, эҳтиёжмандликдан ёмон кайфиятга тушиб қолганининг олдини олади.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маҳаллий аҳоли учун анъанавий бўлган касбу хунарларни қайта тиклаш мақсадида жуда кўп тадбиркорлик ташаббуслари йўлга қўйилди, корхоналар очилди. Бундай жойларда, асосан, ўша ҳудудда яшовчилар ишлайди, хунар ўрганади. Олий таълим даргоҳи талабалари эса вилоятнинг, ҳатто қўшни вилоятларнинг шаҳару қишлоқларидан келган. Ироқи кашта тўғрисида аъзолари Қашқадарё каштачилик санъатини ўрганиб, уни қатор туманлар, шаҳарлар хунарсеварларига ўргатади, тарқатади. Маънавий меросимиз дурдоналари шу тарика авлоддан авлодга ўтади, қиёфамизнинг бетакрор ярашиқлари, миллий ўзгичлиги ва гўзал фазилатлар тарбиячиси бўлиб қолади... Илмга чанқоқ, хунарсевар қизларни ҳавас билан кузатарканмиз, ҳаёлимиздан шу гаплар нур қатилгани каби ўтди...

турини сақлаш ва ривожлантириш миллий маданиятимизни келажақ авлодга етказишда беқеъи аҳамият касб этади. Жанданинг ҳар бир рангига миллат руҳи, халқ ҳаёти, хунармандлик фалсафаси муҳассас. Шунинг учун бу бой меросни англаш, қадрлаш ва келажақ авлодга етказиш ҳар биримиз учун ҳам маънавий бурч, ҳам миллий масъулиятдир.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ГАЗЕТАДАГИ
МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК
АЛИФБАСИДА ЎЗҚИ
УЧУН МАЗКҲҲ
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ.

БОЙСУН ЖАНДАСИНИНГ ФАЛСАФАСИ ҚАНДАЙ?

Ҳар бир юртнинг ўзига хос маънавий қиёфаси, тарихи, маданияти ва анъаналари бор. Сурхондарё, айниқса, Бойсун тумани ана шундай юксак ва бетакрор хунармандлик анъаналари билан ажралаб туради. Хусусан, бойсунлик хунармандлик яратган жанда матоси азалдан пишиқлиги, ранги ўчмаслиги билан машҳур ва харидорғир бўлган.

— Замонлар ўтса ҳам жанданинг қадр-қиймати сира камаймади, балки ривожланиб бормоқда. Бойсунда ушбу ноёб мато ҳали ҳам анъанавий усулларда, қўл меҳнати билан тўқилади, — дейди хунарманд Ҳанифа Салимова. — Момолардан мерос бундай йилларимизга яқин-яқингача ҳозиргидек эътибор йўқ эди. Айниқса, 40-50 йил аввал момоларимиз жандани кечалари тўқиган. Биз ҳам уларнинг ёнида ўтириб, диққат билан кузатардик. Тўқишга ҳаракат қилардик. Билмаган жойларимизни момоларимиз кунт билан ўргатарди.

Бойсун туманидаги фольклор жамоалари либослари ҳам айнан жанда матосидан тайёрланади.



— Жандадан тикилган либослар одамни кўркем кўрсатади. Унинг ҳар бир нақши, ҳар бир ипиди халқнинг асрлар давомида шаклланиб эстетик қарашлари, табиий муҳит билан муносабати ва ҳаёт тарзи муҳассас. Бойсун санъатини жанда матосисиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди Бойсун халқ этнографик ансамбли аъзоси Бўрикул Жумаев. — Бадийи жамоамиз ажодларимиздан бизгача етиб келган куй-қўшиқ ва жозибадор

рақсларни ижро этишда жандадан тикилган либослар кийиб, халқимиз меҳрини қозоняпти. Фаолиятимиз давомида турли халқаро тадбир ва танловларда ҳам иштирок этаймиз. Унда миллий ҷолғуларимиз ва оҳангларимиз қатори либосларимиз хорижликларда катта қизиқиш уйғотади.

Бойсун туманидаги Сариев қишлоғида яшовчи уста Мусулмон Қаҳҳоров тўқийдиган жанда матосида тўқ сарик, тўқ қизил ва

оқ-қора чизиклар навбатма-навбат келади. Бу рангдаги иплар умумий қиёфада уста яшайдиган қишлоқ табиатини кўрсатади. Тўқувчи шу тарика жандада қишлоғининг ўрмонсиз тоғ ён бағирларини, офтобда куйган тошлоқ ерларини, жарликларнинг чуқур сояларини акс эттиришга уринган. Шу маънода, жанда оддий мато эмас. Балки халқнинг бахт-саодати, орзулари ва санъатини бирлаштирган муҳаббат ва ҳурмат тисмоси. У орқали минг йиллик анъаналар тирикчилигини ҳис қилиш, миллий ўзига хослик ва бетакрор фольклор санъатини англаш мумкин.

— Яқна тартибдаги тадбиркор сифатида жанда тўқиш, нуфузли фестивал ва танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллапман. Ҳозир бу хунари ёшларга ҳам ўргатяпман. Маҳсулот табиий ранглардан тайёрланади. Хорижлик сайёҳлар ҳам қизиқиб, харид қилаяпти, — дейди бойсунлик хунарманд Олим Орипов.

Мамлакатимизда хунармандликни кенг ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор натижасида Бойсун туманида ҳам ўз фаолиятини кенгайтираётган мохир хунар эгалари кўпаймоқда. Агар 2018 йилда туманда 30 хунарманд расмий фаолият юритган бўлса, ҳозир улар сафи 500 нафардан ошган. Ундан ортиқ маҳалла халқ хунармандлигининг турли йўналишларига ихтисослашган

бўлиб, ҳудуднинг ўзига хос драйверига айланган. Уларнинг аксари жанда матосини тайёрлайди.

Бугун хорижлик саёҳатчилар ҳам Бойсунда тўқилаётган жандага катта қизиқиш билдираяпти. Улар маҳаллий усталар билан бевосита мулоқот қилиб, мато тўқиш жараёнини кузатиб, ҳатто жараёнда ҳам иштирок этмоқда.

— Кўп йиллик тарихга эга, ўзига хос миллий либослар миллиятнинг урф-одатлари ижтимоий муносабатлари, нафосат ҳамда эстетик нормаларини ўзида акс эттиради. Воҳадига археологик изланишлар бу ҳудудда тўқувчилик ва тикувчилик қарийб 3,5 минг йиллик тарихга эга эканини исботлайди, — дейди Термиз археология музейи катта илмий ходими Тўхташ Аннаев.

Сурхон воҳаси юртимизнинг жанубида жойлашган. У иссиқ иқлими билан ажралаб туради. Воҳада кийимларнинг ёрқин, очик бўёғи, эркин бичими ва ноёб, турли-туман кашталари қишларнинг юқори диди ва ўзига хос табиий иқлимда яшашдан дарак берган. Воҳа аёллари кийимлари анъанавий-маҳаллий кўренишларини мукаммал сақлаган, аёллар кийимиди ўзига хос нақшлар, безаклар, ҳошиялар кўп қўлланилган.

Бу нафақат ўтмиш билан боғлиқ хотира, балки миллий ўзлик ва маданий мероснинг узвий давомидир. Шу боис, санъатнинг бу